

ИМОМ МОТУРИДИЙНИНГ "КИТОБ АТ-ТАВХИД" АСАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Зарифжон Ғуломов

*Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот
маркази илмий ходими*

Аннотация: Ушбу мақолада Имом Мотуридий (ваф. 944) қаламига мансуб "Китоб ат-Тавҳид" асарининг таркибий тузилмаси, мавзулараро ички алоқадорлик, далиллаш усуллари ва ақидавий тамойилларни баён этишидаги методологик ёндашувлари илмий асосда таҳлил қилинади. Асарнинг бўлимларга бўлиниши, мантиқий изчиллиги ва илоҳий, башарий, қадарий масалалар бўйича асосий баҳслар кўриб чиқилади.

Кириш. Имом Абул-Мансур ал-Мотуридий ислом илоҳиётининг асосий йўналишларидан бири бўлган мотуридийлик мактабининг асосчиси бўлиб, у ҳанафий фикрнинг асосларга таянган ҳолда ақидавий фикр тизimini барпо этган. Унинг энг машҳур асари "Китоб ат-Тавҳид" ҳисобланади. Бу асар нафақат калом илмининг асосий тамойилларини тушунтириб беради, балки у ақидавий масалаларни мантиқий асосда далиллашда классик ёндашув намунаси бўлиб хизмат қилади. Ушбу мақолада "Китоб ат-Тавҳид" асарининг ички таркибий тузилиши, бобларга ажратилиши, мавзулараро боғлиқлик ва илоҳий масалаларни баён қилишда ишлатилган методологик ёндашувлар ёритилади.

Асарнинг умумий тузилиши "Китоб ат-Тавҳид" асари муқаддима қисмисиз бошланиб, бевосита ақидавий масалаларнинг баёнига киришилади. Асарда анъанавий тарзда алоҳида бобларга ажратилган расмий сарлавҳалар мавжуд эмас, бироқ мавзулар ўртасидаги ўтиш, муаллифнинг сўз оҳанги ва далил келтириш тартибида мантиқий изчиллик мавжуд. Бу эса асарнинг ички тузилишида муайян тизимлилик ва методологик ёндашув мавжудлигини

кўрсатади. Имом Мотуридий ҳар бир масалага ўтишда илгариги баҳслар билан узвий боғланишни сақлаб қолади, бу эса ўқувчини фикрнинг ривожини кузатишга чорлайди.

Асарда калом илмининг асосий масалалари кетма-кетликда баён этилган бўлиб, уларни шартли равишда қуйидаги асосий беш қисмга бўлиш мумкин:

1. Аллоҳ таолонинг мавжудлиги ва исботлари
2. Аллоҳнинг сифатлари
3. Пайғамбарлик ва мўжиза масалалари
4. Қадарий масалалар: ихтиёр, тақлиф, савоб ва жазонинг адолати
5. Иймон, куфр ва инсоннинг масъулияти

Ҳар бир қисмда муаллиф қарама-қарши фикрлар (айниқса Муътазила, Карромия, Ҳашвия ва бошқа фирқалар)ни муҳокама қилади, уларнинг далилларини келтириб, уларга асосли танқидий жавоблар беради. Бу услуб асарнинг дидактик аҳамиятини оширади ва уни нафақат илоҳий, балки мантикий-фалсафий асар сифатида ҳам эътироф этишга имкон беради. Айниқса, Мотуридий ҳар бир баҳсни алоҳида ёритиш билан бирга, уларнинг ўзаро алоқадорлигини ҳам сақлаган. Бу эса асарнинг фақат фактлар мажмуаси эмас, балки изчил ақидавий-назарий тизим эканини англатади.

1. Аллоҳ таолонинг мавжудлиги ва исботлари
2. Аллоҳнинг сифатлари
3. Пайғамбарлик ва мўжиза масалалари
4. Қадарий масалалар: ихтиёр, тақлиф, савоб ва жазонинг адолати
5. Иймон, куфр ва инсоннинг масъулияти

Асарда ҳар бир мавзу баҳсли масалалар доирасида қарама-қарши фикрлар келтирилади ва уларга далилий жавоблар берилади. Айниқса, Муътазила, Карромия ва бошқа фирқаларнинг қарашлари танқидий ёндашув асосида таҳлил қилинади.

Далиллаш ва методология Имом Мотуридий далиллаш жараёнида бир нечта асосий манба ва методларга таянган. У, аввало, Қуръон оятларини

бирламчи манба сифатида олади ва уларни тафсир қилишда ҳадислар билан бирга ақл мезонларидан кенг фойдаланади. Асарда бурҳон (аниқ исбот), қияс (қийёсий таҳлил), назар (фикр юритиш) ва истидлол (хулоса чиқариш) каби каломий далиллаш услублари муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, ақл ва нақл (ваҳий) ўртасидаги мувозанатни сақлаш Мотуридий методологиясининг асосий тамойилларидан биридир. У ақлни инкор этмайди, балки ақл орқали ваҳий мазмунини англаш ва тушуниш зарурлигини асослайди. Бу ёндашув мутаъассиб литерализмга берилмаслик, шу билан бирга, мутлак расёнализмга ҳам оғмасликни англатади. Асарда қарама-қарши фикрлар, хусусан, Муътазила мактаби билан баҳс-мунозараларда ҳам ақл ва нақл мезонларининг мувозанатли қўлланиши кузатилади. Шу тариқа, Мотуридий назарияси муътадил ақидавий тафаккурнинг намунаси сифатида эътироф этилади.

Мавзулараро боғлиқлик Асарнинг таркибий тузилишида илоҳий сифатлар масаласи асосий ўрин тутди. Бу мавзу Аллоҳнинг мавжудлиги ҳақидаги баҳслардан сўнг келади ва унга боғлиқ ҳолда қадарий масалалар, инсон эрки, тақдир, иймон-куфр масалалари муҳокама қилинади. Бу эса асарда мавзулараро узвийлик ва тафаккур изчиллигини кўрсатади.

Хулоса "Китоб ат-Тавҳид" асари фақатгина ақидавий масалаларни баён қилиш эмас, балки улар орасидаги ички тафаккур алоқаларини ифодаловчи мураккаб, аммо мантикий изчил тузилмага эга. Имом Мотуридий асарда фақат эътиқодий эмас, балки фалсафий-мантикий асосда илоҳий ҳақиқатларга ёндашади. Асар ўзининг таркибий яхлитлиги, мавзулараро узвий боғлиқлиги ва далиллаш услубидаги изчиллиги билан ислом ақидаси тарихида муҳим манба сифатида ажралиб туради.

Адабиётлар:

1. Абу Мансур ал-Матуриди. Китаб ат-тавҳид. — Бейрут: Дор Содир, 1970.
2. Бобоев, Х. Матуридийлик таълимоти. — Тошкент: Фан, 2002.

3. Алишерхон, Т. Матуридийлик: таълимот ва тараққиёт. — Самарқанд: СамДУ нашри, 2016.
4. Измайлов, З. Т. «Матуриди и его богословская школа» // Вестник РАН. — 1999. — №9.
5. Хамидуллин, А. И. «Исламская теология: калам в Средней Азии» — Казань: Университет, 2010.
6. Джананов, Б. Абу Мансур Матуриди и его "Китаб ат-тавхид". — Ташкент: ТИИ, 1996.
7. Мавлонов, Н. Имоми Аъзам ва матуридийлик. — Тошкент: Ислон, 2021.